


XI. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҶА

Мустақиллик йилларида транспорт ва коммуникация тизимини стратегик ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилди. Республикада транспорт мустақиллиги таъминланди ва республиканинг барча ҳудудларини бир-бири билан боғлайдиган миллий тизим яратилди. Мамлакатимизда яратилган самарали транспорт тизими ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва бошқа мамлакатлар билан интеграциялашув омилидир.

Транспорт соҳасига қарийб 13,3 мингта корхона ва ташкилот жалб қилинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан уларнинг сони 11,1 фоизга кўпайди. 2019 йил 1 январь ҳолатига транспорт соҳасида янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 2,1 мингтага етди. 2017 йил январь-декабрь ойларида нисбатан бу кўрсаткич 282 тага кўпайди.

Транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг таққосланиши (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари)



2018 йил январь-декабрь ойларида транспортнинг барча турлари томонидан 1209,0 млн. тонна юклар ташилди, бу 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 105,6 % ни ташкил этади. Шу билан бирга, юк айланмаси 70,6 млрд. т-кмни ташкил этди ёки 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 5,7 % га юқори бўлди.

Маълумот учун: 2018 йил январь-декабрь ойларида Қозоғистон корхона ва ташилотлари томонидан 4103,6 млн. тонна юк ташилган. Қирғизистонда транспортнинг барча турларида юк ташиш ҳажми 33,0 млн. тоннага тенг бўлган.


Транспортнинг барча турларида юк ташиш бўйича автомобиль транспорти (1068,2 млн. тонна) устунлик қилади. Қувур йўли транспорти орқали 72,4 млн. тонна нефть ва газ қуйилган, темир йўл транспорти орқали - 68,4 млн. тонна юк ташилди. Юк ташиш бўйича энг кичик кўрсаткич ҳаво транспортида 13,1 минг тонна қайд қилинди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2018 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрга нисбатан %
Транспортда ташилган юклар, млн.т	1 209,0	105,6
темир йўл транспорти	68,4	100,8
автомобиль транспорти	1 068,2	105,6
ҳаво транспорти, минг т.	13,1	49,6
қувур транспорти	72,4	111,2
Транспорт юк айланмаси, млн. т-км	70 560,6	105,7
темир йўл транспорти	22 942,1	100,0
автомобиль транспорти	13 851,9	103,0
ҳаво транспорти	123,4	78,6
қувур транспорти	33 643,2	111,4

Умумий юк ташиш ҳажмида энг юқори улушни автомобиль транспорти – 88,3 % эгаллайди, бошқа транспорт турларида юк ташиш улуши 11,7 % га тўғри келади.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркиби, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)




2018 йилда транспортнинг барча турларида юкларни ташишнинг жадал ўсиши кузатилмоқда. 2018 йил январь-март ойларида нисбатан ўсиш суръати 1,9 ф.п. га ошди.

Транспортнинг барча турларида юк ташиш ўсиш суръатининг таққосланиши, %



2018 йил январь-декабрь ойларида умумий юк айланмаси ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 % ни ташкил этди.

Юк айланмаси ўсиш суръатларининг таққосланиши, %



Қувур йўли транспорти юк айланмаси ўсиши 11,4 % ни ташкил этди, 2017 йил январь-декабрь ойларидаги 4,5 фоиз ўсишга қараганда 6,9 ф.п. га ошди, шунингдек, автомобиль транспорти - 2,3 % ўрнига 3,0 % (0,7 ф.п. га ошди).

Транспорт турлари бўйича юк айланмаси таркиби, % (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Умумий юк айланмаси ҳажмида 47,7 % улуш қувур йўли транспортига, 32,5 % улуш темир йўл транспортига, 19,6 % улуш автомобиль транспортига ва 0,2 % улуш ҳаво йўли транспортига тўғри келади.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2018 йил январь- декабрь	Жами ҳажмга нисбатан улуши, %	2017 йил январь- декабрга нисбатан %
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	5818,1	100,0	102,4
темир йўл транспорти	22,3	0,4	106,1
автомобиль транспорти	5719,1	98,3	102,3
ҳаво транспорти	2,6	0,04	118,7
шаҳар электр транспорти	74,1	1,3	114,9
<i>шундан:</i>			
метрополитен	69,1	1,2	112,2
трамвай	4,4	0,1	190,6
троллейбус	0,6	0,01	101,2
Транспорт йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	134426,5	100,0	103,4
темир йўл транспорти	4350,1	3,2	101,3
автомобиль транспорти	120696,3	6,6	102,6
ҳаво транспорти	8835,1	89,8	117,0
шаҳар электр транспорти	545,0	0,4	114,1
<i>шундан:</i>			
метрополитен	503,8	0,4	112,2
трамвай	26,2	0,02	190,6
троллейбус	15,0	0,01	101,2

Маълумот учун: Қирғизистонда йўловчилар ташиш кўрсаткичи 731,6 млн. йўловчига тенг бўлди. Қозоғистонда 23021,6 млн. йўловчи ташилган.


Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркибида автомобиль транспорти етакчилик қилмоқда. Унинг жами йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши – 98,3 % ни ташкил этади.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш таркиби, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Транспортнинг барча турлари бўйича йўловчи ташиш 2017 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 2,4 % га ошиб, 5818,1 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 134,4 млрд. йўловчи-кмга етиб, 3,4 % га ошди.

Йўловчи айланмасининг ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)




Йўловчи айланмаси бўйича юкори ўсиш суръатлари ҳаво йўли транспортида – 117,0 % ва электр транспортида - 114,1 % кузатилди. Автомобиль транспортида бу кўрсаткич 102,6 % ни, темир йўл транспортида эса - 101,3 % ни ташкил этди.

Темир йўл транспорти

2018 йил январь-декабрь ойларида юклар темир йўл транспорти орқали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 511,7 минг тонна кўп ташилди. Темир йўл транспорти юк айланмаси 22942,1 млн. тонна-кмга етди. Ўтган йилнинг мос даврида юк айланмаси 22939,5 млн. тонна-кмни ташкил этди.

Темир йўл транспортининг юк ва йўловчи айланмасини таққосланиши



Темир йўл транспортида йўловчи ташиш кўрсаткичи 1289,5 минг кишига ошди. Темир йўл транспортида йўловчи ташиш 6,1 % га ўсди ва 22,3 млн. кишини ташкил этди. Йўловчи айланмаси 4350,1 млн. йўловчи-км ни ташкил этди.

Таққослаш учун 2017 йил январь-декабрь ойларида темир йўл транспорти йўловчи айланмаси 4293,9 млн. йўловчи-км га тенг бўлган.


Магистрал темир йўл транспорти орқали юкларни жўнатиш 0,8 % га ошиб, 68,4 млн. тоннани ташкил этди.

**Магистрал темир йўл транспортида ортилган
асосий турдаги юклар кўрсаткичи
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**

	<i>Ҳажми, минг тонна</i>	<i>Жами ҳажмга нисбатан улуши, %</i>	<i>2017 йил январь- декабрга нисбатан %</i>
Юклар – жами	68442,8	100	100,8
<i>шундан:</i>			
кўмир	5652,6	8,3	127,2
нефть юклари	6782,1	9,9	61,9
турли рудалар	5291,4	7,7	105,8
қора металллар	1076,9	1,6	132,5
қора металл парчалари	838,5	1,2	107,3
кимёвий ва минерал ўғитлар	3430,0	5,0	84,7
қурилиш юклари	5608,9	8,2	88,6
цемент	4854,3	7,1	100,2
ёғоч юклари	29,9	0,1	158,2
пахта толаси	151,7	0,2	38,6
дон ва ёрмалар	1733,1	2,5	104,3
картошка, полиз маҳсулотлари ва хўл мевалар	320,8	0,5	133,6
бошқа юклар	32672,6	47,7	115,1

Темир йўл транспорти орқали ўртача бир кунда юкларни жўнатиш 187,5 минг тоннани ташкил этди ёки 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 0,8 % га ошди. Бир тонна юк жўнатишнинг ўртача масофаси 335,2 км.ни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври даражасидан 0,6 % га паст бўлди.

Магистрал темир йўл транспортида ташилган асосий турдаги юклар ўсиш суръати, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



Магистрал темир йўл транспортида юк ташиш бўйича энг юкори ўсиш суръатлари ёғоч юклари – 158,2 %, картошка, полиз маҳсулотлари ва хўл мевалар – 133,6 %, қора металллар – 132,5 %, кўмир – 127,2 %, бошқа юклар – 115,1 %, қора металл парчалари – 107,3 % ва турли рудалар – 105,8 % каби юкларда қайд этилди.

Энг паст ўсиш суръатлари пахта толаси – 38,6 %, нефть юклари – 61,9 %, кимёвий ва минерал ўғитлар – 84,7 %, қурилиш юклари – 88,6 %, цемент – 100,2 % хамда дон ва ёрмалар – 104,3 % каби ташилган юкларда қайд этилди.

Автомобиль транспорти

Шунингдек автомобиль транспорти юк ва йўловчиларни ташишда муҳим аҳамиятга эгадир. Автомобиль транспортининг юк айланмаси 3,0 % га ошиб, 13,9 млрд. т-км ни ташкил этди.

Автомобиль транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши




Автомобиль транспорти орқали 1068,2 млн. тонна юк ташилди, бу 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 5,6 % га кўпдир.

**Автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмининг
таққосланиши, млн. т**




Ҳудудлар бўйича йўловчи ташиш таркибида катта қисмини Тошкент шаҳри эгаллайди. 2018 йил январь-декабрь ойларида унинг улуши 20,7 % га тенг бўлди. Энг кичик кўрсаткич Сирдарё вилоятида қайд этилди. У 1,4 % ни ташкил этди.

**Ҳудудлар бўйича автомобиль транспортида
йўловчи ташиш таркиби, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)**



Ҳаво транспорти орқали жўнатилган юклар 13,1 минг тоннани ташкил этиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 50,4 % га паст бўлди. Юк айланмаси 21,4 % га камайиб, 123,4 млн. т-кмни ташкил этди.

Ҳаво транспорти юк ва йўловчи айланмасининг таққосланиши



Ҳаво транспортида 2609,2 минг киши ташилди, бу 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 18,7 % га кўпдир, йўловчи айланмаси эса 17,0 % га ошиб, 8835,1 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

Ҳаво кемаларининг кечикмасдан мунтазам етиб келиши 2017 йил январь-декабрь ойларидаги 82,8 % ўрнига 84,6 % ни ташкил этди, 3315 авиопарвоз кечиктирилган, 3 та авиопарвоз бекор қилинган. Халқаро ташувларда ҳаво кемаларининг мунтазам етиб келиши 3,3 ф.п. кўпайиб, 83,5 % ни ташкил этди (2017 йил январь-декабрь ойларида – 80,2 %).

Ҳаво кемаларининг жами кечикиш вақти 2716 самолёт-соатни ташкил этиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 32,5 % га камайган. Кечиктирилган парвозларнинг ўртача давомийлиги 24,1 % га қисқариб, 49 минутни ташкил этди.

Электр транспортида 74022,5 минг йўловчи ташилиб, 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 114,9 % ни ташкил этган. Электр транспортининг йўловчи айланмаси 545,0 млн. йўловчи-кмни ташкил этган бўлиб, бу 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 14,1 % га кўпдир.

Электр транспортида йўловчи ташиш (93,4 %) ва йўловчи айланмасида (92,4 %) энг юқори улуш метрополитен ҳиссасига тўғри келади.

Метрополитенда йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 12,2 % га ошган.


Трамвайда 4370,4 минг йўловчи ташилган, бу 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 1,9 марта кўпдир. Трамвайнинг йўловчи айланмаси 26,2 млн. йўловчи-кмни ташкил этди.

Электр транспортида йўловчи ташиш таркиби, %
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)




Магистрал қувурлар орқали 72,4 млн. тонна газ қуйилган, бу 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 11,2 % га кўпдир. 2018 йил январь-декабрь ойларида 56,2 минг тонна нефть қуйилган (6,3 % га кам). Магистрал қувурларнинг юк айланмаси 11,4 % га ошди ва 33,6 млрд. т-кмни ташкил этди.

Қувур йўли транспортида юк ташиш таркиби
(2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



2018 йил январь-декабрь ойларида йўл-транспорт ҳодисалари сони 8990 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мазкур кўрсаткич 1054 тага камайган (-10,5 %).

Худудлар кесимида йўл-транспорт ҳодисалари сонининг таққосланиши, бирлик




Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар ўртасида йўл-транспорт ҳодисалари сони бўйича камайиш Тошкент шаҳрида (-377 ҳолат), Тошкент (-267 ҳолат), Самарқанд (-82 ҳолат) ва Сирдарё (-76 ҳолат) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (-75 ҳолат) қайд этилди.

Йўл-транспорт ҳодисалари сонининг кўпайиши Навоий (+45 ҳолат) вилоятида қайд этилди.

Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сони ҳам камаймоқда. 2018 йил январь-декабрь ойларида жабр кўрганлар сони 8458 кишини ташкил этиб, 1179 кишига (-12,2 %) камайиши кузатилди.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг таққосланиши, киши



Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ҳудудлар бўйича энг паст кўрсаткич Тошкент шаҳри (-432 киши), Тошкент (-259 киши), Самарқанд (-104 киши), Сирдарё (-85 киши) вилоятларига ва Қорақалпоғистон Республикасига (-65 киши) тўғри келади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сонининг ошиши Навоий вилоятида (+40 киши) қайд этилди.


Маълумот учун: 1995 йилга нисбатан йўл-транспорт ҳодисалари сони 1691 тага камайди. Автомобиль транспортида энг кўп ЙТХ сони 1999 йилда (11012 ҳолат) қайд этилган. Йўл-транспорт ҳодисаларида жабр кўрганлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич 2006 йилда қайд этилган. Ушбу даврда автомобиль транспортидаги йўл-транспорт ҳодисаларида 14009 киши жабр кўрган. Кўриб чиқилган йил билан таққосланганда жабр кўрганлар сони 5551 кишига камайди.

Алоқа ва коммуникация соҳаси

2018 йил январь-декабрь ойларида алоқа хизматлари ҳажми 8708,8 млрд. сўмга тенг бўлди ва ўтган йилга нисбатан (амалдаги нархларда) 18,3 % га ошди.

Мобиль алоқа хизматлари (Интернетни қўшган ҳолда) умумий алоқа хизматлари ҳажмида 65,6 % ни ташкил этди ва 5716,0 млрд. сўмга, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани 5231,1 млрд. сўмга тенг бўлди.

Алоқа хизматлари таркиби, % (2018 йил январь-декабрь ойлари учун)



2017 йил январь-декабрь ойларида нисбатан мобиль алоқа хизматлари 11,7 % га, шу жумладан аҳолига кўрсатилгани – 14,5 % га ўсди.

2019 йил 1 январь ҳолатига мобиль алоқа билан таъминланган абонентлар сони 21954,5 минг абонентни, шу жумладан аҳолида 21410,8 минг абонентни ташкил этди. Аҳолининг мобиль алоқа билан таъминланганлиги ҳар 100 киши ҳисобига 65 бирликни ташкил этди.

2019 йил 1 январь ҳолатига Интернет тармоғига уланиш хизматларини кўрсатиш учун рухсатномага эга хўжалик юритувчи субъектлар сони 547 бирликни, жамоавий уланиш пунктларининг умумий сони эса 349 бирликни ташкил этди.

2017 йил январь-декабрь ойларида нисбатан, халқаро ахборот узатиш каналларининг ўтказиш қобилияти 104,1 Гбит/с. дан 1200,0 Гбит/с. га ошди.